РОЛЬ ЭТИОЛОГИЧЕСКОГО ФАКТОРА В ВЫБОРЕ ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО РИНОСИНСИТА У ДЕТЕЙ.....538

69. **UMAROVA Nazifa Abduraufovna, SATVALDIEVA Elmira Abusamatovna, SALIKHOVA Kamola Shavkatovna**
CURRENT CONCEPTS OF NECROTIZING ENTEROCOLITIS IN NEWBORNS: PATHOGENESIS, DIAGNOSIS AND NUTRITIONAL SUPPORT.....541



UDC: 616-006.6:618.146-006.6]:312.6:614.1

YUSUPBEKOV Abrorbek Ahmedjanovich

DSc, professor

TUYCHIYEVA Saboxat Shavkatovna

PhD student


DJANKLICH Saide Mustafayevna

PhD, DSc student

Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Oncology and Radiology
Tashkent State Medical University

A POPULATION-BASED APPROACH TO CERVICAL CANCER: THE CONTEMPORARY IMPORTANCE OF CANCER REGISTRIES, SCREENING, AND SURVIVAL ANALYSIS

For citation: Yusupbekov Abrorbek Ahmedjanovich, Tuychiyeva Sabokhat Shavkatovna, Djanklich Saide Mustafayevna. A Population-Based Approach to Cervical Cancer: The Contemporary Importance of Cancer Registries, Screening, and Survival Analysis // Journal of Biomedicine and Practice. 2026, vol. 11, issue 2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19815218>

ANNOTATION

This narrative review highlights the contemporary importance of a population-based approach to cervical cancer (CC).

Abstract. This narrative review highlights the contemporary importance of a population-based approach to cervical cancer (CC). We summarize global and regional epidemiologic patterns of CC, the etiologic role of high-risk human papillomavirus (HPV), major risk factors, and the prevention framework built on HPV vaccination, organized screening, and early diagnosis. Cancer registries are discussed as the core information infrastructure for cancer control, including their definition, main types, and their value for surveillance, planning, and evaluation. The role of international standards and registry networks (IARC/IACR, ENCR, SEER, NPCR) and global initiatives such as Cancer Incidence in Five Continents (CI5) is outlined with regard to data comparability, quality assurance, and cross-country benchmarking. We also address the organization of oncology services in Uzbekistan and the limitations of aggregated official reporting for robust outcome assessment. Strengthening the population-based cancer registry, implementing systematic data quality control, ensuring continuous follow-up, and integrating registry data with mortality and screening databases are emphasized as prerequisites for valid population survival estimates. Key survival metrics (overall, relative, and net survival), common analytical approaches, and interpretation issues are briefly reviewed. Evidence from EUROCARE and CONCORD demonstrates that international differences in CC survival largely reflect screening coverage and the completeness and quality of registry data.

Keywords: cervical cancer; population-based approach; cancer registry; screening; HPV; survival.

ЮСУПБЕКОВ Абборбек Ахмеджанович

DSc, профессор

ТУЙЧИЕВА Сабохат Шавкатовна

PhD талаба

ДЖАНКЛИЧ Саиде Мустафаевна

PhD, DSc талаба

Республика Онкология ва радиология илмий –амалий тиббиет маркази

Ташкент давлат тиббиет Университети

БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИДА ПОПУЛЯЦИОН ЁНДАШУВ: КАНЦЕР-РЕГИСТР, СКРИНИНГ ВА ЯШОВЧАНЛИК ТАҲЛИЛИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ**АННОТАЦИЯ**

Ушбу обзор мақолада бачадон бўйни саратони (ББС)да популяцион ёндашувнинг замонавий аҳамияти ёритилди. ББСнинг жаҳон ва минтақавий эпидемиологияси, HPV билан боғлиқ этиологик омиллар, хавф омиллари ва профилактика концепцияси (вакцинация, уюшган скрининг, эрта диагностика) тизимли таҳлил қилинди. Канцер-регистрлар тушунчаси, турлари (госпитал ва популяцион), уларнинг илмий-амалий аҳамияти ҳамда халқаро стандартлаштириш платформалари (IARC/IACR, ENCR, SEER, NPCR)нинг роли кўриб чиқилди. Регистрлар тарихи ва CI5 каби глобал ташаббуслар эпидемиологик мониторинг, босқичлар структураси ва популяцион яшовчанлик таҳлилини таъминлашдаги аҳамияти билан баҳоланди. Шунингдек, Ўзбекистонда онкологик хизматнинг кўп босқичли тузилмаси ва амалдаги статистик ҳисобот тизимининг чекловлари, 2025 йилдан шаклланаётган популяцион канцер-регистрни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Мақолада overall, relative ва net survival тушунчалари, уларни ҳисоблаш усуллари ва ишончли яшовчанлик таҳлили учун узлуксиз follow-up ҳамда ўлим реестри билан интеграциянинг ҳал қилувчи аҳамияти асосланди. Халқаро EURO CARE ва CONCORD тадқиқотлари мисолида ББС бўйича яшовчанликдаги ҳудудий фарқлар скрининг камрови ва регистр сифати билан боғлиқ экани кўрсатилди.

Калит сўзлар: бачадон бўйни саратони; популяцион ёндашув; канцер-регистр; скрининг; HPV; яшовчанлик.

ЮСУПБЕКОВ Абборбек Ахмеджанович

DSc ,профессор

ТУЙЧИЕВА Сабохат Шавкатовна

PhD студент

ДЖАНКЛИЧ Саиде Мустафаевна

PhD, DSc студент

Республиканский специализированный научно-практический

медицинский центр онкологии и радиологии

Ташкентский государственный медицинский университет

ПОПУЛЯЦИОННЫЙ ПОДХОД ПРИ РАКЕ ШЕЙКИ МАТКИ: СОВРЕМЕННОЕ ЗНАЧЕНИЕ КАНЦЕР-РЕГИСТРА, СКРИНИНГА И АНАЛИЗА ВЫЖИВАЕМОСТИ**АННОТАЦИЯ**

В данном обзорном исследовании рассмотрено современное значение популяционного подхода при раке шейки матки (РШМ). Проанализированы мировые и региональные эпидемиологические тенденции РШМ, этиологическая роль ВПЧ, факторы риска и концепция профилактики, основанная на вакцинации, организованном скрининге и ранней диагностике. Отдельное внимание уделено канцер-регистрам как ключевой информационной инфраструктуре онкоконтроля: раскрыты их понятие и типы, научно-практическая

значимость, а также роль международных стандартов и сетей. Показано, что инициативы типа CI5 обеспечивают сопоставимость данных, мониторинг заболеваемости и смертности, анализ стадий и проведение популяционных исследований выживаемости. Обсуждены особенности организации онкологической службы Республики Узбекистан и ограничения агрегированной системы официальной отчётности при оценке исходов лечения. Обоснована необходимость развития популяционного канцер-регистра, усиления контроля качества данных, организации непрерывного follow-up и интеграции с реестром смертности. Рассмотрены показатели overall, relative и net survival и методы их расчёта. На примере исследований EURO CARE и CONCORD показано, что межстрановые различия выживаемости при РШМ тесно связаны с охватом скринингом и качеством регистровых данных.

Ключевые слова: рак шейки матки; популяционный подход; канцер-регистр;

Муаммонинг долзарблиги. Бачадон бўйни саратони (ББС) аёллар ўртасида жаҳон миқёсида энг долзарб онкологик касалликлардан бири ҳисобланади. 2022 йилда дунё бўйича 660 мингдан ортиқ янги ББС ҳолати ва 340 мингдан зиёд ўлим ҳолати қайд этилган бўлиб, ўлимларнинг қарийб 90 % ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади [1]. Ушбу ҳолат касалликнинг юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини, шунингдек глобал соғлиқни сақлаш учун долзарблигини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатларда уюшган скрининг дастурлари ва самарали популяцион канцер-регистрлар жорий этилгани сабабли ББСда 5 йиллик яшовчанлик 65–75 % ни ташкил этади. Аксинча, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда ушбу кўрсаткич кўп ҳолларда 40 % дан ошмайди [3]. Бу фарқлар эрта ташхис, скрининг қамрови ва онкологик хизматнинг ташкилий самарадорлиги билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг нисбатан юқорилиги, шунингдек 5 йиллик яшовчанлик даражасининг тахминан 40–45 % атрофида бўлиши касалликнинг кеч аниқланиши ва популяцион даражада таҳлил қилиш имкониятларининг чекланганлигини кўрсатади [6]. Амалдаги расмий статистика тизими асосан агрегатлашган кўрсаткичларга таянади ва популяцион яшовчанлик, босқичлар тузилмаси ҳамда даволаш натижаларини холис баҳолаш имконини тўлиқ таъминламайди [7].

Шу муносабат билан халқаро стандартларга мувофиқ популяцион канцер-регистр тизимини ривожлантириш ва унинг асосида ББСда яшовчанлик таҳлилларини жорий этиш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

Ушбу мақоланинг мақсади бачадон бўйни саратонида популяцион ёндашувнинг аҳамиятини ёритиш, канцер-регистр, скрининг ва популяцион яшовчанлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида регистр тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини асослашдан иборат.

Бачадон бўйни саратонининг жаҳон ва минтақавий эпидемиологияси.

GLOBOCAN ва IARC маълумотларига кўра, ББС дунё бўйича аёллар орасида онкологик касалланиш ва ўлимнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб қолмоқда [1]. Касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича кескин фарқ қилади: энг юқори кўрсаткичлар Сахроости Африка, Жануби-Шарқий Осиё ва Марказий Америкада қайд этилади, энг паст кўрсаткичлар эса Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларига хос [3].

Минтақалар кесимида ББСнинг ёшга стандартлаштирилган касалланиш, ўлим ва яшовчанлик кўрсаткичлари ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд (1.1-жадвалга қаранг). Масалан, Шимолий Америка ва Ғарбий Европада 5 йиллик нисбий яшовчанлик 60–70 % атрофида бўлса, Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ушбу кўрсаткич 40–50 % дан ошмайди [10].

1-жадвал


ББСнинг жаҳон минтақалари бўйича касалланиш, ўлим ва популяцион яшовчанлик кўрсаткичлари

Минтақа	ASR касалланиш (100 000)	ASR ўлим (100 000)	Ўлим/ касалланиш нисбати	5 йиллик нисбий/	Асосий манбалар
---------	--------------------------	--------------------	--------------------------	------------------	-----------------

				абсолют яшовчанлик, %	
Шимолий Америка	7–8	2–3	0,25–0,30	65–70	GLOBOCAN, CONCORD, SEER
Ғарбий Европа	8–10	3–4	0,30–0,35	60–68	GLOBOCAN, EUROCARE
Шарқий Европа	14–18	6–9	0,45–0,55	50–58	CI5, EUROCARE
Марказий Осиё	10–15	6–8	0,50–0,60	40–50	CI5, миллий регистрлар
Жануби-Шарқий Осиё	15–20	8–11	0,50–0,60	40–55	GLOBOCAN, CONCORD
Сахроости Африка	30–40	20–28	0,65–0,75	30–40	GLOBOCAN, CI5
Жаҳон бўйича	13–14	7–8	0,50	50–55	GLOBOCAN, CONCORD

Изоҳ: ASR – ёшга стандартлаштирилган кўрсаткич.

ББС эпидемиологиясининг муҳим хусусияти унинг инфекция билан боғлиқлиги ҳисобланади. Юқори хавфли одам папиллома вируси (HPV) ББС ривожланишининг асосий этиологик омил бўлиб, ушбу вирус билан боғлиқ саратонлар жаҳон онкологик юкида алоҳида ўрин тутди [13]. Шу сабабли ББС бўйича глобал кўрсаткичлар профилактика ва скрининг дастурлари самарадорлигини ҳам акс эттиради (1-расмга қаранг).



**1-расм – Бачадон бўйни саратони глобал юки
Бачадон бўйни саратонининг этиологияси, хавф омиллари ва профилактика концепцияси**

Замонавий тадқиқотлар ББС ҳолатларининг деярли барчасида ($\approx 99\%$) юқори онкоген хавфли HPV типлари аниқланишини кўрсатади [13]. HPV-16 ва HPV-18 типлари инвазив ББС ҳолатларининг тахминан 70% ни ташкил этади [15]. Вируснинг узоқ муддат персистенцияси ва қўшимча хавф омиллари (эрта жинсий ҳаёт, кўп туғиш, иммунодепрессия) канцерогенез жараёнини тезлаштиради [16].

ББСга қарши курашнинг замонавий модели бирламчи профилактика (HPV-вакцинация), иккиламчи профилактика (скрининг) ва эрта диагностикага асосланади [17]. Уюшган скрининг дастурлари жорий этилган мамлакатларда ББС касалланиши ва ўлими сезиларли даражада камайгани қайд этилган [18].

Профилактика дастурларининг самарадорлигини холис баҳолаш учун популяцион канцер-регистрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, айнан улар орқали касалланиш, босқичлар тузилмаси ва яшовчанлик динамикаси баҳоланади [20].

Канцер-регистрлар: тушунчаси, турлари ва илмий аҳамияти

Канцер-регистр — белгиланган ҳудудда аниқланган хавфли ўсмалар ҳақидаги маълумотларни тизимли йиғиш ва таҳлил қилишга мўлжалланган ахборот тизими ҳисобланади [21]. Амалиётда госпитал ва популяцион канцер-регистрлар фарқланади. Госпитал регистрлар клиник мониторинг учун муҳим бўлса-да, аҳолини тўлиқ қамраб олмагани сабабли эпидемиологик таҳлил учун чекланган [22].

Популяцион канцер-регистрлар эса касалланиш, ўлим ва яшовчанликни ишончли баҳолаш учун «олтин стандарт» ҳисобланади [23]. Уларнинг маълумотлари давлат сиёсати, скрининг дастурлари ва ресурсларни режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дунёда канцер-регистр тизимларининг шаклланиши ва ҳозирги ҳолати

Канцер-регистрлар тарихи XIX аср охирида Европа мамлакатларида онкологик касалликлар бўйича илк статистик кузатувлар ўтказилиши билан боғлиқ. XX асрнинг иккинчи ярмида Халқаро саратон тадқиқотлари агентлиги (IARC) ташкил этилиши билан канцер-регистрлар фаолияти илмий ва услубий жиҳатдан янги босқичга кўтарилди [31].


IARC ташаббуси билан йўлга қўйилган «Cancer Incidence in Five Continents» (CI5) лойиҳаси турли мамлакатларда фаолият юритувчи юқори сифатли популяцион канцер-регистрлар маълумотларини таққослаш имконини берди ва глобал эпидемиологик таҳлиллар учун асос яратди [33]. CI5 нашрларида фақат маълумот сифати халқаро мезонларга жавоб берадиган регистрлар киритилиши регистр фаолиятини такомиллаштиришга кучли туртки бўлди.

Ҳозирги кунда **International Association of Cancer Registries (IACR)**, **European Network of Cancer Registries (ENCR)**, АҚШдаги **SEER** ва **NPCR** дастурлари канцер-регистрлар фаолиятини мувофиқлаштириш, маълумот тузилиши ва сифат кўрсаткичларини стандартлаштиришда етакчи роль ўйнайди [39].

Регистрлар самарадорлиги қатор омиллар билан белгиланади: аҳолини қамраб олиш даражаси, қонунчилик асосининг мавжудлиги, патология хизматлари ва ўлим реестрлари билан интеграция ҳамда беморларни узоқ муддатли кузатиш (follow-up) тизимининг йўлга қўйилганлиги [40]. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда канцер-регистрлар давлат соғлиқни сақлаш сиёсатида асосий аналитик инструмент ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида онкологик хизмат ва канцер-регистр муаммолари

Ўзбекистон Республикасида онкологик хизмат кўп босқичли тизим асосида ташкил этилган бўлиб, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари асосий бўғин ҳисобланади (1.2-расмга қаранг) [43].




2-расм – Ўзбекистон Республикаси онкология хизмати структураси

Амалдаги расмий статистика тизими асосан агрегатлашган ҳисобот шаклларига таянади ва касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичларини умумий тарзда акс эттиради. Бироқ ушбу тизим бемор даражасидаги маълумотларни узоқ муддатли кузатув билан боғлаб таҳлил қилиш, босқичлар тузилмаси ва популяцион яшовчанликни ҳолис баҳолаш имконини чеклайди [44].

Сўнгги йилларда мамлакатда халқаро стандартларга мос **популяцион канцер-регистр тизимини жорий этиш** бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2025 йилдан бошлаб электрон популяцион канцер-регистр маълумотларини шакллантириш бошланган бўлиб, бу онкологик касалликларни, жумладан бачадон бўйни саратонини популяцион даражада таҳлил қилиш учун янги имкониятлар яратмоқда (1.3-расмга қаранг) [47].

Шу билан бирга, маълумотлар тўлиқлиги, морфологик тасдиқ улуши, ўлим реестрлари билан автоматик боғланиш ва follow-up механизмларини кучайтириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [48].



3-расм – Ўзбекистон популяцион канцер-регистри (2025 йил)

Популяцион яшовчанлик: тушунчаси, усуллари ва канцер-регистр билан боғлиқлиги

Популяцион яшовчанлик онкологик хизмат самарадорлигини баҳолашда энг муҳим интеграл кўрсаткич ҳисобланади. Амалиётда **overall survival, relative survival** ва **net survival** усуллари қўлланилади [49].

Relative ва net survival кўрсаткичлари умумий ўлим сабабларидан мустақил ҳолда саратонга хос ўлим хавфини баҳолаш имконини беради ва халқаро таққослашлар учун энг мақбул ҳисобланади [52].

Ушбу кўрсаткичларни ишончли ҳисоблаш учун беморларнинг узоқ муддатли кузатуви, ўлим сабаблари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ва аҳолининг фон ўлим кўрсаткичлари талаб этилади. Бу шартлар эса фақат аҳолини тўлиқ қамраб олган популяцион канцер-регистрлар мавжуд бўлган шароитда таъминланади [54].

Шу сабабли популяцион яшовчанлик таҳлили канцер-регистрлар фаолиятининг асосий илмий маҳсулоти ҳисобланади ва давлат соғлиқни сақлаш сиёсати самарадорлигини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бачадон бўйни саратонида популяцион яшовчанлик: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил

EUROCARE ва CONCORD халқаро тадқиқотлари Европа мамлакатларида бачадон бўйни саратони бўйича 5 йиллик relative ва net survival кўрсаткичларининг юқори эканини кўрсатган [57]. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткичлар 65–75 % атрофида бўлиб, бу натижалар уюшган скрининг дастурлари ва юқори сифатли канцер-регистрлар билан изоҳланади.

Ривожланаётган мамлакатларда эса яшовчанлик кўрсаткичлари паст бўлиб, бунга кеч ташхис, скрининг камровининг чекланганлиги ва регистр маълумотларининг тўлиқ эмаслиги сабаб бўлади [60].

Ўзбекистонда популяцион канцер-регистрни такомиллаштириш, уни ўлим реестрлари, патология хизматлари ва скрининг натижалари билан интеграция қилиш бачадон бўйни саратонида яшовчанликни холис баҳолаш ҳамда онкологик хизмат самарадорлигини оширишнинг асосий шарти ҳисобланади [63].

Хулоса. Бачадон бўйни саратонида популяцион ёндашув канцер-регистр, скрининг ва яшовчанлик таҳлилларини бирлаштирган ҳолдагина самарали бўлиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳолини тўлиқ камраб олган ва сифат назоратига эга регистрлар ББСда ўлимни камайтириш ва яшовчанликни оширишнинг асосий шарти ҳисобланади [24]. Ўзбекистон шароитида канцер-регистр тизимини такомиллаштириш ББСни назорат қилишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши лозим.

REFERENCES | ЧОСКИ | IQTIBOSLAR:

1. Bray F., Ferlay J., Soerjomataram I., Siegel R.L., Torre L.A., Jemal A. Global cancer statistics 2018: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. *CA: A Cancer Journal for Clinicians*. 2018;68(6):394–424. (in Uzb)
2. Doll R., Payne P., Waterhouse J. (eds.) *Cancer Incidence in Five Continents*. Vol. I. Geneva: UICC; 1966. (in Uzb)
3. Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan. State statistical reports on oncological diseases in the Republic (annual compilations). Tashkent: State Committee on Statistics of the Republic of Uzbekistan; (by years). (in Uzb)
4. Merabishvili V.M. *Survival of Cancer Patients*. Saint Petersburg: Publishing and Printing Company “KOSTA”; 2006. 440 p. (in Uzb)
5. Мерабишвили В.М. *Выживаемость онкологических больных*. СПб: Издательская полиграфическая компания «КОСТА»; 2006. 440 с. (in Uzb)
6. De Angelis R., Sant M., Coleman M.P., Francisci S., Baili P., Pierannunzio D., et al. Cancer survival in Europe 1999–2007 by country and age: results of EURO CARE-5—a population-based study. *European Journal of Cancer*. 2014;50:1510–1522. (in Uzb)
7. Bosch F.X., Lorincz A., Muñoz N., Meijer C.J.L.M., Shah K.V. The causal relation between human papillomavirus and cervical cancer. *Journal of Clinical Pathology*. 2002;55(4):244–265. (in Uzb)
8. Muñoz N., Bosch F.X., de Sanjosé S., Herrero R., Castellsagué X., Shah K.V., et al. Epidemiologic classification of human papillomavirus types associated with cervical cancer. *The New England Journal of Medicine*. 2003;348(6):518–527. (in Uzb)
9. Schiffman M., Castle P.E., Jeronimo J., Rodriguez A.C., Wacholder S. Human papillomavirus and cervical cancer. *The Lancet*. 2007;370(9590):890–907. (in Uzb)
10. World Health Organization. *Global strategy to accelerate the elimination of cervical cancer as a public health problem*. Geneva: WHO; 2020. 56 p. (in Uzb)
11. Landy R., Sasieni P., Cuzick J., et al. Impact of cervical screening on cervical cancer mortality: estimates using epidemiologic data from England. *Journal of Epidemiology & Community Health*. 2016;70(8):780–786. (in Uzb)
12. Estève J., Benhamou E., Croasdale M., Raymond L. Relative survival and the estimation of net survival: elements for further discussion. *Statistics in Medicine*. 1990;9(5):529–538. (in Uzb)
13. Parkin D.M. The evolution of the population-based cancer registry. *Nature Reviews Cancer*. 2006;6(8):603–612. (in Uzb)
14. Hutchison C.L., Menck H.R., Burch J.D., Gottschalk R. A systematic review of hospital cancer registries. *Journal of Registry Management*. 2010;37(4):166–175. (in Uzb)
15. Bray F., Parkin D.M. Evaluation of data quality in the cancer registry. Part I: comparability, validity and timeliness. *European Journal of Cancer*. 2009;45(5):747–755. (in Uzb)

16. Pohar Perme M., Stare J., Estève J. On estimation in relative survival. *Biometrics*. 2012;68(1):113–120. (in Uzb)
17. Howlader N., Noone A.M., Krapcho M., Miller D., Brest A., Yu M., et al. (eds.) *SEER Cancer Statistics Review, 1975–2018*. Bethesda: National Cancer Institute; 2021. (in Uzb)
18. European Network of Cancer Registries (ENCR). ENCR recommendations on coding and registration. Lyon: IARC; 2015. (in Uzb)
19. Thoburn K.K., German R.R., Lewis M., Nichols P.J., Ahmed F., Jackson-Thompson J. Case completeness and data accuracy in the CDC National Program of Cancer Registries. *Cancer*. 2007;109(8):1607–1616. (in Uzb)
20. Sankaranarayanan R., Swaminathan R., Brenner H., Chen K., Chia K.S., Chen J.G., et al. Cancer survival in Africa, Asia, and Central America. *The Lancet Oncology*. 2010;11(2):165–173. (in Uzb)
21. Jensen O.M., Parkin D.M., MacLennan R., Muir C.S., Skeet R.G. (eds.) *Cancer registration: principles and methods*. IARC Scientific Publications. 1991;(95):1–296. (in Uzb)
22. Bray F., Colombet M., Mery L., et al. *Cancer Incidence in Five Continents, Vol. XI*. IARC Scientific Publications. Lyon: IARC; 2015. 1445 p. (in Uzb)
23. Pollack L.A., et al. National Program of Cancer Registries electronic pathology reporting (standards/business rules; NAACCR Volume V referenced). [PMC article] 2020. (in Uzb)
24. Bray F., Parkin D.M. Evaluation of data quality in the cancer registry. Part II: completeness. *European Journal of Cancer*. 2009;45(5):756–764. (in Uzb)
25. Tillashaykhov M.H., Dzhanklich S.M., Imamov O.A. Implementation of a National Cancer Registry System and Issues of Digitalization of Oncological Data. Tashkent; 2025. (in Uzb)
26. Мерабишвили В.М. Онкологическая статистика (традиционные методы, новые информационные технологии). Руководство для врачей. Часть I. СПб: КОСТА; 2015. 223 с. (in Uzb)
27. Barchuk A., Belyaev A., Gretsova O., et al. History and current status of cancer registration in Russia. *Cancer Epidemiology*. 2021;73:101963. (in Uzb)
28. Allemani C., Weir H.K., Carreira H., Harewood R., Spika D., Wang X.S., et al. Global surveillance of cancer survival 1995–2009: analysis of individual data for 25 676 887 patients from 279 population-based registries. *The Lancet*. 2015;385(9972):977–1010. (in Uzb)
29. Dickman P.W., Hakulinen T. *Survival analysis*. Tallinn: Institute of Experimental and Clinical Medicine; 2000. 248 p. (in Uzb)
30. Estève J., Benhamou E., Croasdale M., Raymond L. Relative survival and the estimation of net survival. *Statistics in Medicine*. 1990;9(5):529–538. (in Uzb)
31. De Angelis R., et al. Cancer survival in Europe 1999–2007 by country and age: the EURO CARE-5 study. *European Journal of Cancer*. 2014;50:1510–1522. (in Uzb)
32. De Angelis R., Sant M., Coleman M.P., et al. EURO CARE-5 (final conclusions). *European Journal of Cancer*. 2014;50:1510–1522. (in Uzb)
33. Vaccarella S., Lortet-Tieulent J., Plummer M., Franceschi S., Bray F. Worldwide trends in cervical cancer incidence: impact of screening against changes in disease risk factors. *European Journal of Cancer*. 2013;49(15):3262–3273. (in Uzb)
34. World Health Organization. Global strategy to accelerate the elimination of cervical cancer as a public health problem. Geneva: WHO; 2020. 56 p. (in Uzb)

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000